

«PROGRESS AUDIT» АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИ

200100, Hamza ko'cha, 14-uy Buxoro sh.
x/p № 2020800003201832001, МФО: 00088. ИНН:202359083. Ипотека банк Бухоро булми, ХХТУТ: 84400.

Тел. (8-365) 223-86-40

Бухоро шаҳар «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг
1.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача молиявий хўжалик фаолияти буйича

Ижобий аудиторлик хулоса.

2018 йил 05 март.

Бухоро ш.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT» аудиторлик ташкилотига, Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 7 октябр 2013 йилда берилган № 351-ракамли гувоҳнома ва Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 22 апрел 2016 йилдаги Серия АФ № 00310-сонли лицензиясига асосан Узбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик текширувини утказиш ҳуқуқини берилган.

Манзили: Бухоро шаҳар, Хамза кучаси 14 уй, 5 хонада жойлашган ташкилотнинг аудитори, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11 июнда берилган № 05395-сонли аудитор малака сертификати эгаси «Прогресс-Аудит» Маъсулияти Чекланган жамият аудитори С.С.Хаитов «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти билан МЧЖ шаклидаги «PROGRESS-AUDIT» аудиторлик ташкилоти ўртасида 15 феврал 2018 йил № 1/03-сонли тузилган шартномага асосан «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 1.01.2017 йилдан 31.12.2017 йилгача молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботлар юзасидан аудиторлик текшируви ўтказдим.

Жамият Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб 300703864 сонли инденфикацион рақами берилган,

Манзили: Бухоро шаҳар Ибн Сино кучаси 1 уй х/р № 20208000204676163001 Узсаноатқурилиш банк Бухоро минтакавий филиали МФО: 00086 ОКОНХ: 71262.

Аудиторлик текширувига доир жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича тузилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти раҳбарияти жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларга асосан берилган аудиторлик хулоса учун аудиторлик ташкилоти маъсулдир.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик.

Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик муомилалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти раҳбари

С.С.Хаитов.

